

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**



Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2023 йил “24” Октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд  
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг  
18 - сон баёни**

2023 йил “24” Октябрь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов  
комиссияси раиси

**Қатнашганлар:** Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир  
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги  
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратидаги  
мавжуд вакант лавозимлар учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат  
босқичини ўтказиш тўғрисида**

*(Мирзамахмудов, Жуманазаров, Шукуров, Раупов, Файзиев, Мирзамахмудов)*

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги мавжуд Электр тармоқларини ривожлантириш бўлими бошлиғи, Бош бўхгалтер, Кўмир таъминоти бўлими бош мутахассиси ва Инвестициялар ва истиқболли ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 168 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, мувафаккиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафаккиятли ўтган жами 11 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф килинди.

Танловнинг суҳбат босқичи 2023 йил 26 октябрь куни Энергетика вазирлиги биносида очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда баҳоланди.

Танлов комиссияси аъзоларининг тавсияларини кўриб чикиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Электр тармоқларини ривожлантириш бўлими бошлиғи лавозимига **Мирзаев Акмал Алимович**, Бош бухгалтер лавозимига **Набиджанов Адхам Анваржанович** номзоди маъқуллансин.

2. Кўмир таъминоти бўлими бош мутахассиси, Инвестициялар ва истикболли ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимларига голиб аниқланмаганлиги сабабли, ушбу лавозимга қайта танлов эълон қилинсин.

3. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) голиб бўлган номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

4. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.

А.Р. Жуманазаров

Д.Л. Шукуров

А.А. Раупов

З.Н. Файзиев

Ф.Н. Файзиев

Н.Т. Назиров

Б.М. Умаров

Х.А. Куйжанов